



Ishonch

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqqan boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Хамкорлик масалалари муҳокама қилинди

Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев 2016 йил 5 декабр кuni МДХ Ижроия қўмитаси раиси — ижрочи котиби Сергей Лебедев билан учрашди.

Сўхбат чоғида Ўзбекистон раҳбари Мустанқил Давлатлар Ҳамдўстлиги кузатувчилар миссияси Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида самарали ишлагани, ушбу жараён ҳамда сайлов яқунларини юқори баҳолагани учун самимий миннатдорлик билдирди.

Сергей Лебедев Президент сайлови мониторингида иштирок этишга таклиф этгани ва МДХ кузатувчилар миссияси аъзолари учун барча қулай шароитлар яратилгани учун ташаккур билдирди.

Ҳамдўстлик доирасида хамкорликни янада ривожлантириш ва мустақамлаш бўйича атрофлича фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев шу кuni Шанхай хамкорлик ташкилоти кузатувчилар миссияси раҳбари, ШХТ Бош котиби Рашид Алимовни қабул қилди.

Томонлар Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни кузатиш бўйича ШХТ вакилларининг хулосалари тўғрисида фикр алмашилди.

Рашид Алимов Ўзбекистон Президенти сайлови мамлакатда демократик жараёнларни янада ривожлантириш борасида муҳим қадам бўлганини таъкидлади.

Ўзбекистон раҳбари ШХТ кузатувчиларига очик, эркин ва демократик шароитларда ўтказилган сайлов кампанияси давомида амалга оширган самарали ишлари ва яқуний хулосалари учун самимий миннатдорлик билдирди.

Томонлар ШХТ доирасидаги хамкорликни ривожлантириш юзасидан фикр алмашилди.

ЎЗА

2016 йил 9 сентябр кuni Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 96-, 117-моддалари, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонуннинг 8-моддаси, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги қонуннинг 5-ва 9-моддаларига мувофиқ 2016 йил 4 декабр Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кuni, деб белгиланган эди.

Халқ ишончи — олий бaxт

Шу кундан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампанияси бошланди. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри чегаралари доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи сайлов округлари тўзилди.

Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон «Миллий тиклиниш» демократик партиясидан Сарвар Садуллаевич Отамуратов, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Шавкат Мирмононович Мирзиёев, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Хатамжон Абдурахмонович Кетмонов, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидан Наримон Мажилович Умаров Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар этиб рўйхатга олинди.

Сайловда ташвиқоти даврида барча номзодларга тенг шароитлар яратилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш учун 9 минг 383, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг хорижий ваколатхоналари ҳузурида 44 сайлов участкаси тўзилди. Сиёсий тадбирга ташкилий-



хуқуқий ва моддий-техник жиҳатдан юксак даражада тайёргарлик кўриш, уни миллий сайлов қонунчилигимизда мустақамлаб кўйилган демократик принципларга тўлиқ мувофиқ ҳолда, очик-ошкора ва адолатли ўтказиш учун барча шарт-шароит яратилди.

Жисмоний имконияти чекланган фуқароларнинг овоз беришда иштирок этиши учун қулайликлар яратиш мақсадида сайлов участкаларида пандуслар ўрнатилди, каби-

налардан бири ногиронлар учун ҳозирлаб қўйилди. Брайл алифбосида кўзи ожиз сайловчиларга мўлжалланган сайловга оид турли рисолалар тайёрланди, илк марта улар учун махсус сайлов бюллетенлари чоп этилди.

Ушбу чора-тадбирлар натижасида 4 декабр кuni Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови юқори савида, халқаро талаблар даражасида ўтказилди.

Ў(2).

Россия Президенти билан телефон орқали мулоқот

Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев билан Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин ўртасида Россия томонининг ташаббуси билан 2016 йил 5 декабр кuni телефон орқали мулоқот бўлиб ўтди.

Россия Федерацияси Президенти Шавкат Мирзиёевни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида галаба қозонгани билан самимий табриклиди.

Давлат раҳбарлари ҳозирги кунда кўп қиррали Ўзбекистон — Россия муносабатлари юксак даражада эканини мамнуният билан таъкидлаб, Самарқанд шаҳрида ўтган олий даражадаги учрашув чоғида эришилган келишувлар режалари ва тизимли асосда ҳаётга татбиқ этилаётганини ижобий баҳоладилар.

Томонлар турли вазирлик ва идоралар, ҳўжалик субъектлари ва бошқа ташкилотлар ўрта-

сидаги ўзаро самарали хамкорлик амалий натижалар бераётганини алоҳида қайд этдилар. Ўзбекистон ва Россия раҳбарлари стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини изчил давом эттириш ва янада ривожлантириш, ўзаро алоқаларга доир барча соҳаларда, шунингдек, долзарб минтақавий ва халқаро масалалар бўйича давлатлараро ишончли, очик ва конструктив мулоқотни чуқурлаштиришга қатъий тайёр эканлигини билдирдилар.

Сўхбат самимий ва дўстона руҳда ўтди.

ЎЗА

Самимий қўтлов

Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёевга Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиндан табрик мактуби келди. Унда шундай дейилади:

Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Муҳтарам Шавкат Мирмононович!

Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганингиз билан чин қалбимдан самимий табриклайман.

Сайловдаги ишончли галабангиз Сизнинг ватандошларингиз орасида обрў-эътиборингиз баландлигидан, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг долзарб вазифаларини ҳал этишдаги хизматларингиз юксак эътироф этилганидан далолатдир.

Россияда Сизни давлатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатларни ривожлантиришнинг доимий тарафдори, деб биладилар. Ишончим комилки, биз биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз билан мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчиликни бундан буён ҳам мустақамлаб, минтақавий ва халқаро масалаларда конструктив хамкорликни янада кенгайтираимиз. Бу мамлакатларимиз халқларининг тўб манфаатларига мос келади, Марказий Осиёда ва бутун Мустанқил Давлатлар Ҳамдўстлиги маконида барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш имконини беради.

Муҳтарам Шавкат Мирмононович, Сизга чин қалбимдан мустақам соғлик, фаровонлик ва давлат раҳбари сифатидаги гоғат масъуляти фаолиятингизда муваффақиятлар тилайман.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизни ўзингиз учун қулай вақтда Россияга ташриф буюришингизни таклиф қиламан.

Эътиром билан,
Владимир ПУТИН,
Россия Федерацияси Президенти

Марказий сайлов комиссияси сайловнинг дастлабки натижаларини эълон қилди

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказида ўтказилган брифингда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг дастлабки натижалари тўғрисида маълумот берилди.

Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов 2016 йилнинг 4 декабр кuni Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови миллий сайлов қонунчилиги ва халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган демократик принциплари асосида очик ва ошкора ўтказилганини таъкидлади.

— Президент сайловининг тарихий ва сиёсий аҳамиятини чуқур тушунган кўпмиллатли Ўзбекистон халқи яна бир бор ўзининг Ватанимиз тақдирига дахлдорлик туйғусини, граждонлик позициясини намойиш этиб, овоз беришда юксак сиёсий фаоллик билан иштирок этди, — деди Марказий сайлов комиссияси раиси.

Сайловчилар рўйхатига киритилган 20 миллион 461 минг 805 нафар сайловчининг 17 миллион 951 минг 667 нафари овоз беришда иштирок этди. Бу сайловчилар умумий сонининг 87,73 фоизини ташкил этди. «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонуннинг 35-моддасига мувофиқ бу Президент сайлови ўтганлигидан далолат беради.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнини бешта халқаро ташкилот — Европада хавфсизлик ва хамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, Мустанқил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай хамкорлик ташкилоти, Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциация-

си ва Ислам хамкорлик ташкилоти, шунингдек, 46 давлатдан 600 га яқин кузатувчи кузатиб борди.

Сайловда иштирок этган тўртта сиёсий партиянинг 37 мингдан зиёд вакили ҳам овоз бериш ҳамда овозларни санаб чиқиш жараёнини кузатиб борди. Сайлов комиссиялари томонидан уларнинг фаолият кўрсатиши учун барча шарт-шароит яратиб берилди.

Сайлов жараёнини мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситаларининг 1 минг 400 нафардан зиёд вакили кенг ёритмоқда.

Овоз бериш ва овозларни санаб чиқиш жараёнида сайловга оид қонун ҳужжатлари талаблари бузилгани ҳақида Марказий сайлов комиссиясига сайловчилар, сиёсий партиялар кузатувчилари, халқаро ва хорижий кузатувчилардан мурожаатлар келиб тушмаган.

Марказий сайлов комиссияси раиси 4 декабр кuni овоз бериш яқунланган, сайлов участкаларида Президентликка номзодлар кўрсатган сиёсий партияларнинг кузатувчилари, халқаро кузатувчилар, оммавий ахборот воситалари вакиллари кузатуви остида ҳар бир номзодни ёқлаб берилган овозларни алоҳида-алоҳида санаб чиқиш ишлари бошланди, бу жараён охирига етгунга қадар танаффуссиз давом эттирилганини маълум қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг дастлабки натижаларига кўра,

Сарвар Садуллаевич Отамуратовга 421 минг 55 нафар ёки овоз беришда иштирок этган сайловчилар умумий сонининг 2,35 фоизи, Шавкат Мирмононович Мирзиёевга 15 миллион 906 минг 724 фўқаро ёки овоз беришда иштирок этган сайловчилар умумий сонининг 88,61 фоизи, Хатамжон Абдурахмонович Кетмоновга 669 минг 187 фўқаро ёки овоз беришда иштирок этган сайловчилар умумий сонининг 3,73 фоизи, Наримон Мажилович Умаровга 619 минг 972 фўқаро ёки овоз беришда иштирок этган сайловчилар умумий сонининг 3,46 фоизи овоз берган.

Шундай қилиб, 2016 йил 4 декабр кuni ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида Шавкат Мирзиёев галаба қозонди.

Брифингга айна пайтда Марказий сайлов комиссияси округ сайлов комиссиялари томонидан тақдим этилган протокол ва бошқа ҳужжатларни кўриб чиқаётгани маълум қилинди. «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, ушбу ҳужжатлар, зарур бўлса, айрим участка сайлов комиссиялари материалларини Марказий сайлов комиссияси яна бир марта сиңчиқлаб текширади ва шундан сўнг сайлов натижаси бўйича қарор қабул қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови яқунлари тўғрисидаги ахборот сайловдан кейин ўн кундан кечиктирилмай, яъни 2016 йил 14 декабрта Марказий сайлов комиссияси томонидан матбуотда эълон қилинади.

Бехзод БОЗОРОВ,
ЎЗА мухбири

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида 5 декабр кuni Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши раиси ўринбосари Ильяс Умаханов бошчилигидаги делегация билан учрашув бўлиб ўтди.

Олий Мажлис Сенатида учрашув

Олий Мажлис Сенати Раиси Н.Йўлдошев билан Сўхбат чоғида Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ўзаро хамкорлик тобора ривожланиб бораётгани қайд этилди. Парламентлараро алоқаларни мустақамлаш орқали мамлакатларимизнинг сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги хамкорлигининг ҳуқуқий асосларини тақомиллаштириш истиқболлари ҳақида фикр алмашилди.

— Ўзбекистон Республикасининг Бириччи Президенти Ислам Каримов мамлакатларимиз ўртасида хамкорлик ва дўстлик муносабатларини мустақамлашга беқиёс ҳисса қўшди, — деди И.Умаханов. — Ўзбекистон Республикасида бўлиб ўтган муҳим тарихий воқеага гувоҳ бўлганимиздан мамнунмиз. Президент сайлови мамлакат миқёсида уюшқоқлик ва масъуляти билан ўтди. Сайлов натижалари Ўзбекистон билан хамкор давлатлар катори Россия учун ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Учрашувда мамлакатларимиз парламентлари ўртасидаги хамкорликни ривожлантириш масалалари хусусида сўз юритилди.

Севара АЛИЖОНОВА,
ЎЗА мухбири

Қадимий дўстлик ришталари мустақамланмоқда

Мамлакатимизга Қозоғистон Республикасининг турли соҳаларда фаолият олиб бораётган вакилларидан иборат делегацияси ташриф буюрди.

Шу муносабат билан Тошкент вилоятининг «Фишткўприк» божхона постида ўтказилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазири Б.Аҳмедов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутаты Р.Қўшербаев, Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Ш.Турдиқўлов ва бошқалар Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги хамкорлик муносабатлари йилдан-йилга ривожланиб, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги алоқалар юксалиб бораётганини таъкидлади. Азалдан яқин қўшни сифатида тинч-тотув, аҳил-иноқ яшаб келаётган ўзбек ва қозоқ халқларининг тарихи, тили, урф-одат, анъана ва қадриятлари ҳам ўхшаш.

Ў(4).



Тожикистон Президенти билан телефон орқали мулоқот

Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев билан Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон ўртасида 2016 йил 5 декабр кuni телефон орқали мулоқот бўлиб ўтди.

Тожикистон Президенти Шавкат Мирзиёевни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловидаги ишончли галабаси билан самимий табриклиди.

Давлат раҳбарлари Ўзбекистон — Тожикистон муносабатларини мустақамлаш масалалари бўйича фикр алмашилди. Шунингдек, сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги долзарб вазифаларни амалга ошириш-

дан икки томон ҳам манфаатдор эканлигини таъкидладилар.

Ўзбекистон ва Тожикистон раҳбарлари ўзаро манфаатли лойиҳаларни амалга ошириш бўйича давлат ва жамоат турларини мустақамлаш масалалари бўйича фикр алмашилди. Шунингдек, сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги долзарб вазифаларни амалга ошириш-

Сўхбат амалий ва дўстона руҳда ўтди.

ЎЗА

Халқ ишончи — олий бахт

№(1).

5 декабр куни пойтахтимизда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг Президент сайловининг дастлабки натижаларига бағишланган тадбири бўлиб ўтди.

Тадбирда ЎзЛиДеП фаоллари, тадбиркорлар ва ишбилармонлар, турли соҳа вакиллари, санъат ва маданият намояндалари, кенг жамоатчилик иштирок этди.

Йирилганлар Президент сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказига онлайн тарзда боғланиб, сайловнинг дастлабки натижаларини кузатиб борди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг дастлабки натижаларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида Шавкат Миромонович Мирзиёев 15 миллион 906 минг 724 овоз, яъни сайловда иштирок этган сайловчилар умумий сонининг 88,61 фоиз овози билан галаба қозонгани ҳақидаги хабар йирилганлар томонидан гулдурас қарсақлар билан кутиб олинди.

Шавкат Мирзиёев тадбирда сўзга чиқиб, ўзига билдирилган юксак ишонч учун бутун халқимизга миннатдорлик билдирди. Биринчи Президентлиги Ислоҳ Каримов раҳнамолигида ўтган 25 йилда мамлакатимиз ҳаёти-

нинг барча соҳаларида беқиёс ўзгаришлар амалга оширилгани, миллий давлатчилигимизнинг мустақам асослари яратилиб, демократик ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамияти шакллантирилгани, бозор иқтисодиёти тамойиллари ривожлантирилганини таъкидлади. Бундай кенг кўламли ишларни изчил давом эттириш барчамизнинг, бутун халқимизнинг энг асосий мақсади, бурчидир. Зеро, Ватан равнақи, юрт келажаги, халқ фаровонлиги мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг бош ғоясидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида тийёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнини кузатиб борган бешта халқаро ташкилот — Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциацияси ва Ислоҳ ҳамкорлик ташкилотидан, 46 давлатдан келган 600 га яқин кузатувчиларга ҳам самимий миннатдорлик билдирди.

Сайловда халқимиз мамлакатимиздаги тинчлик ва оқойишталик барқарор бўлиши, халқимизнинг турмуш фаровонлиги янада юксалиши, давлатимизнинг халқро микёсдаги нуфузини мустаҳкамлаш, ривожланган

давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаш учун овоз берди. Ҳар бир сайловчи ўз оиласи, фарзандлари бахту камоли, ёруғ келажаги учун овоз берди.

Энг муҳими, халқимиз ушбу сайлов орқали дунё ҳамжамияти олдида жуда муҳим, масъулиятли синовдан муваффақиятли ўтди. Биринчи Президентимиз илгари сурган ғояларга содиқлигини, Ўзаро аҳил, ҳамжихатлигини, Ватан тақдири, халқимиз келажаги учун бефарқ эмаслигини, улуг мақсадлар йўлида яқдиллик билан ҳаракат қилишини ва улкан натижаларга эриша олишини яна бир бор намоён қилди. Буни дунёнинг турли минтақаларидан, нуфузли халқро ташкилотлардан келган кузатувчилар ҳам эътироф этди.

Видеоконференцолақа шаклида ўтган тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларидан кўп миң сонли одамлар иштирок этди. Қорақалпоғистон Республикасидан меҳнат фахрийси К.Қамолов, Бухоро вилоятидаги «Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи» корхонаси муҳандис-технологи Х.Латипов, Навоий кон-металлургия комбинати «Навоий машинасозлик заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси директори Н.Лаққай, Қарши шаҳридаги «Хонтепа» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Р.Зоҳиров, Фарғона вилояти Олти-



ариқ туманидаги «Нурли обод» фермер хўжалиги раҳбари Л.Муродова, «Давсув-хўжалиқназорат» давлат инспекциясининг Хоразм вилояти бўйича инспектори К.Ортиқов, Тошкент вилоятидан меҳнат фахрийси У.Мирзақуллов, Сурхондарё вилоятидан бахши С.Шайдилов, Тошкент шаҳридан меҳнат фахрийси Д.Фулмова ва

бошқалар Шавкат Мирзиёевни Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайлангани билан самимий табриклаб, Ватан ва халқ манфаати йўлидаги эзгу ишларида муваффақиятлар тилади.

Тадбирда Ватан, мустақиллик, бахт ҳақидаги кўшиқлар янгради.

ЎЗА

Эътироф

Хорижлик кузатувчилар, халқаро ташкилотлар вакиллари ва экспертлар жойлардаги сайлов участкалари ҳамда «Press klub: Saylov.uz — 2016»



пресс-клубида бўлиб, матбуот анжуманлари, брифингларда фаол қатнашдилар. Мухбиримиз исроиллик журналист, Vis&Meet медиа-консалтинг компанияси бош директори, «Новости недели» газетаси халқаро бўлими мудири Виктория МАРТИНОВА билан мамлакатимизда амалга ошириладиган ислохотлар, сайлов жараёнлари ҳақида сўхбатлашди.

Виктория Мартинова: Ўзбекистонда бошқа давлатлар ўрганса бўладиган кўпдан-кўп ижобий жиҳатлар мавжуд

— Хоразм вилояти округ сайлов комиссияси ҳамда Урганч шаҳридаги сайлов участкаларида яратилган шароитлар менда катта таассурот қолдирди. Ўзим гувоҳи бўлганимдек, Президентликка номзодларнинг сайловолди ташвиқотлари тенг, адолатли олиб борилди. Сайловчилар ва номзодларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари миллий қонунчилик ҳамда халқаро стандартларга мувофиқ таъминланди. Сайловнинг муваффақиятли яқунлашиб, мамлакат ўзи танлаган йўл — «Ўзбек модели» асосида бундан бундан улкан марраларга эришишига ишончим комил.

Ҳар бир участкада жуда катта ва пухта тийёргарлик кўрилгани кўзга ташланди. Сайловчиларнинг кайфияти баланд, байрам муҳити ҳукмрон бўлди. Бу Ўзбекистоннинг иқтисодий жиҳатдан изчил тараққий этаётгани, халқ фаровон яшаётганининг ифодаси дейиш мумкин. Зеро, ўтган 25 йилда Ўзбекистонда бу йўлда жуда кўп ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистонга бундан бир йил аввал «Шарқ тароналари» мусика фестивали доирасида ташир буюрган эдим. Шу вақт мобайнида мамлакатингизда юз берган ўзгаришлар оламшумул. Қад ростилаган мухташам бинолар, бир-биридан гўзал иншоот ва боғлар — булар ҳаммаси мустақиллик йилларида дунёнинг ошқорилган улкан ишлар самарасидир. Одамлар самимий, бағрикенг. Бу самимиятни соғиниб, яна бир бор Ўзбекистонга қайтишим аниқ.

Шубҳасиз, Ўзбекистонда Биринчи Президент Ислоҳ Каримов томонидан барпо этилган мустақам пойдевор мамлакатнинг хотиржам ҳаёт

кечириши, тараққий этиши учун кенг имкониятлар беради.

Сайловни кўплаб халқаро журналистлар ҳам кузатишди. Матбуот анжуманларидан, жойлардан тезкор репортажлар бериб борилди. Таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида тийёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнини бешта халқаро ташкилот — Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциацияси ва Ислоҳ ҳамкорлик ташкилоти, шунингдек, 46 давлатдан 600 га яқин кузатувчи кузатиб борди. Бу ҳам сайловнинг адолатли, очиқ-ошқоралигининг исботи деб ҳисоблайман.

Бугун бутун дунё мамлакатингиздаги тинчлик ва оқойишталик, миллатлараро тотувликка ҳавас кўзи билан қарайди. Ўзбекистон аҳолиси эртанги кунни учун хотиржам, ўзи сайлаган юрт раҳбари мамлакатни янада ёрқин келажақ сари олиб боришига ишонади.

Сайлов мамлакатингиз қонунлари, халқаро демократик тамойиллар ва халқаро ҳуқуқ нормаларига мос, ошқоралик, кўппартиявийлик, эркинлик, тенглик тамойилларига мувофиқ ўтди.

Ўзбекистонда дунёнинг бошқа мамлакатларига ибрат қилса бўладиган улкан ишлар рўёбини кўриб турибмиз. Ниятим, юртимга қайтган, бу ижобий ўзгаришлар ҳақида халқро ҳамжамиятга етказиш.

«Ishonch» мухбири Тимур МАМАЖОНОВ ёзиб олди. Григорий КЛЯЦКИЙ олган сурат.

Халқаро кузатувчилар миссиялари ўз хулосаларини баён қилди

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида тийёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнини кузатиб борган халқаро ташкилотлар миссияларининг якуний матбуот анжуманлари бўлиб ўтди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти кузатувчилари миссияси матбуот анжуманида миссия раҳбари, ШХТ Бош қотиби Рашид Алимов миссиянинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови натижаларига бағишланган баёнотини ўқиб ошқорди.

Р.Алимов ташкилот кузатувчилари сайлов кампаниясининг бориши, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида тийёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастури ижроси билан танишганини таъкидлади. Миссияга Президентликка номзодлар ва уларнинг сайловолди дастурлари ҳақида тўлиқ ахборот тақдим этилди.

Миссия баёнотида Президентликка номзодларга оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг имкониятлар берилгани, сайловолди ташвиқотини олиб боришда қонунни бузиш ҳолатлари аниқланмагани қайд этилган.

Овоз бериш жараёни ва сайлов якунларини сарҳисоб қилишни холис баҳолаш мақсадида миссия участка сайлов комиссияларининг фаолияти билан ҳам танишди. Ўз фаолияти давомида миссия 13 сайлов округида 235 сайлов участкасида бўлди. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазириги, Марказий сайлов комиссияси раҳбарияти, турли даражадаги сайлов комиссиялари аъзолари, сайловчилар, маҳаллий кузатувчилар, сиёсий партиялар, оммавий ахборот воситалари вакиллари, хорижий давлатлар ҳамда халқаро ташкилотлар кузатувчилари миссиялари аъзолари билан учрашувлар ўтказди.

ШХТ кузатувчилари миссияси баёнотида сайлов қонунчилигини тақомиллаштириш ва либераллаштириш бора-бора амалга оширилган сўнгги йиллардаги ислохотлар юқори баҳоланди. Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида тийёргарлик

кўриш ва уни ўтказишга бағишланган материалларнинг ўзбек, қорақалпоқ, қозоқ, рус, тожик тилларида тарқатилгани, оммавий ахборот воситалари орқали 15 тилда чоп этилганига эътибор қаратилди.

Миссия овоз бериш кунини ёшларнинг юқори фаолигини, шунингдек, сайловда биринчи марта иштирок этаётган ёш авлод вакилларида участка сайлов комиссиялари томонидан алоҳида эътибор кўрсатилганини қайд этди.

Миссия кузатувчилари бўйича Президент сайлови Ўзбекистон Республикасининг сайлов қонунчилиги, Марказий сайлов комиссиясининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари ва Ўзбекистон ўз зиммасига олган халқаро мажбуриятларга тўла мувофиқ ҳолда, очиқ ҳамда демократик вазиятда ўтгани таъкидланди.

Миллий сайлов қонунчилиги меъёрларига зид келадиган қонунбузилиш ҳолатлари миссия томонидан қайд этилмади.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги кузатувчилари миссиясининг матбуот анжуманини МДҲ Ижроия қўмитаси раиси — ижроичи қотиби Сергей Лебедев бошқарди.

С.Лебедев Ўзбекистон миллий сайлов қонунчилигига кейинги йилларда киритилган ўзгаришлар уни янада тақомиллаштирганини таъкидлади.

— Биз сайлов жараёнини эркин яратишимиз учун барча шароит яратиш билди, — деди Сергей Лебедев. — Сайлов комиссиялари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари вакиллари билан учрашди, фуқаролар, сиёсий партиялар кузатувчилари билан сўхбатлашди. Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида бўлиб, жойларда сайловга тийёргарлик ишлари билан танишдик, овоз бериш жараёнини кузатдик. Сайлов юксак савияда ташкил этил-

ганига гувоҳ бўлдик. Сиёсий партиялар кузатувчилари ва халқаро экспертлар билан фикр алмашиб, сайлов очиқ ва ошқор ўтгани ҳақида яқдил хулосага келдик.

Миссия вакилларининг таъкидлашича, Марказий сайлов комиссияси томонидан қисқа муддатда катта ҳажмда ишлар амалга оширилган. Бунда миллий сайлов қонунчилигига киритилган сўнгги ўзгариш ва қўшимчалар, оммавий ахборот воситалари билан ишлаш янада тақомиллашгани алоҳида қайд этилди. Округ сайлов комиссиялари матбуот марказлари, мамлакат сайлов амалиётида биринчи марта «Press klub: Saylov.uz — 2016» пресс-клуби фаолиятининг йўлга қўйилгани, МДҲ кузатувчилари фикрича, бошқа мамлакатлар учун намуна бўлиб хизмат қилиши мумкин.

МДҲ кузатувчиларида ёши улуг кишилар билан бир қаторда ёшлар ҳам сайловда бирдай фаоллик кўрсатгани катта таассурот қолдирди. Айниқса, илк бор овоз берган 550 миңдан зиёд йигит-қизнинг сайловчилар рўйхатида алоҳида қайд этилгани диққатга сазовор. Сайлов участкаларига кела олмаганларнинг овоз бериши ва мuddатидан олдин овоз бериш учун яратилган шароитлар юксак даражада ташкил этилди.

Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциацияси кузатувчилари миссиясининг матбуот анжуманини миссия раҳбари, ассоциация Бош қотиби Ким Ён Хи бошқарди.

4 декабр — сайлов кунини миссия вакиллари Тошкент ва Бухоро шаҳарларидаги сайлов участкаларида бўлиб, овоз бериш ҳамда уларни санаб чиқиш жараёнини кузатгани таъкидланди. Миссия раҳбарининг фикрича, сайлов юксак ташкилий даражада ўтди, сайловчилар овоз беришда фаол иштирок этди, овозларни санаб чиқиш жараёни очиқ ва ошқор амалга оширилди.

— Кузатув давомида сайлов қонунчилиги бузилганига гувоҳ бўлмадик, —

деди Ким Ён Хи. — Сайлов участкаларида овоз бериш учун барча шарт-шароит яратилган, комиссия аъзолари юқори тийёргарликка эга. Юқори электораёл фаоллик аҳолининг мамлакат келажаги учун ўз сайлов ҳуқуқини амалга оширишдан манфаатдорлигидан далолат беради. Бу Марказий сайлов комиссияси томонидан сайлов кампаниясининг барча босқичлари юқори даражада ташкил этилганини кўрсатади.

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ) Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси кузатувчилари миссияси Президенти сайлови тўғрисидаги баёнотини эълон қилди.

Миссия раҳбари, элчи Йохан Петер Трауготт Тейлер Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, округ ва участка сайлов комиссиялари томонидан самарали сайловолди ишлари ташкил этилгани, мазкур тадбирлар қонунда кўзда тутилган муддатларда бажарилганини қайд этди. Тўрт сиёсий партиядан Президентликка кўрсатилган номзодларни қўллаб-қувватловчи имзо варақалари сайловчилар умумий сонининг беш фоизидан бир фоизига қисқартирилгани, сайлов комиссияларининг ошқоралик ва холислигини таъминлаш борасидаги ишлари ижобий баҳоланди.

— ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси Ўзбекистон билан бундан кейин ҳам ҳамкорликни давом эттиришга тайёр, — деди П.Тейлер.

ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини кузатиш учун таклиф этилгани мамлакатимиз эркин, очиқ ва адолатли сайлов ўтказишида Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилиги ва умумэтироф этилган халқаро сайлов стандартларига қатъий риоя қилганининг ёрқин далилидир.

ЎЗА



Ватан остонадан бошланади

Олтинқўл туманининг Жалабек қишлоғида яшовчи Нажmiddиновлар оиласи ибратли хонадонлардан ҳисобланади. Фарзандлар камолини кўриб яшаётган Маматисоқ ота ҳамда Рўзихон ая юртимиздаги тинчлик-оқойишталик ҳамда ҳамжихатликдан беҳад мамнун. 4 декабр кунини оила аъзолари 536-сайлов участкасига боришди. Оиланинг 15 нафар сайлов ҳуқуқига эга вакили ўзи муносиб деб билган номзодга овоз берди.

— Биринчи марта сайловда овоз беришим, — дейди Маматисоқ отанинг кенжа набираси Диёрбек Маматисоқов. — Сайлов қонунчилигига оид қатор тадбирларда иштирок этдим. Номзодларнинг дастурлари билан танишиб чиқдим. Ватанимизнинг эртанги тақдирини ҳал этишда меннинг овозим ҳам аҳамиятга эга эканлигиндан хурсандман.

Тумандаги 11-умумтаълим мактабида жойлашган сайлов участкасида 2904 нафар сайловчи рўйхатга олинди. Сиёсий жараёнинг юксак савияда, кўтаринки руҳда ўтиши учун барча зарур шарт-шароит яратилди.

— Участкага келиш имкониятига эга бўлмаган 18 нафар кекса ва ногироннинг ўз конституцион ҳуқуқидан фойдаланиши учун хонадонларига кўчма сайлов қўтилари олиб борилиши таъминланди, — дейди сайлов комиссияси раиси Улфатхон Юнусова. — «Олтинқўл транс сервис» масъулияти чекланган жамияти ажратган етти та энгил автомобил шу кунини сайловчиларга бепул хизмат кўрсатди.

Нурилло НУЪМООНОВ, «Ishonch» мухбири.

Суратда: сайловчилар Дилдора Қосимова ҳамда Зилола Юсупова. Рустамжон ЭШОНОВ олган сурат.

8 декабр — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кун

Мустаҳкам пойдевор

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишлаб «Умид гулшани» санаторийида ўтказилган маданий-маърифий тадбирда ходимлар ва дам олувчилар иштирок этди. Унда Санатор-курортлар бошқармаси ўқув-услубий марказининг маданий-маърифий ишлари бўйича мутахассиси Маҳмуда Мурзаева «Конституция — демократик давлатнинг ҳуқуқий пойдевори» мавзусида маъруза қилди.

Шунингдек, Қибрай туманидаги «Фафур Фулом» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Алишер Назиров ва бошқалар Бош қомусимизда инсон ҳаёти, унинг шаъни, қадр-қиммати, ҳақ-ҳуқуқ ва манфаатлари олий қадрият сифатида мустаҳкамлаб қўйилганлигини алоҳида эътироф этишди.

Ўз мухбиримиз

Ҳарбийларга — касаба уюшма совғалари

Сирдарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси тасарруфидаги меҳнат жамоаларида Қомусимизнинг халқимиз маънавий ҳаётида тутган ўрни ва аҳамияти юзасидан тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда.

Тадбирларда «Ким эдигу, ким бўлди» деган ҳаётий ҳақиқат жонли мисоллар билан, меҳнаткашларга кенг тушунчалар берилмоқда. Шу билан бирга, мустақилликни мустаҳкамлашда фидойилик кўрсатаётган инсонлар эъзозланмоқда. Яқинда «Касаба уюшмалари — ҳарбийларга» акцияси доирасида Янгйер шаҳридаги ҳарбий қисмда учрашув ташкил қилинди.

Унда сўзга чиққанлар Асосий Қомусимизнинг фуқаролар ҳаётидаги аҳамияти, ҳуқуқий билим ва маданият тўғрисида ўз мулоҳазаларини билдиришди. Шундан сўнг ҳарбий қисм кутубхонасига касаба уюшмаларининг совғалари топширилди.

А.ТОҶИЕВ,
Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Сирдарё вилояти бўйича масъул ташкилотчиси

Ҳуқуқ ва эркинликларимиз кафолати

Биринчи Президентимиз Ислам Каримов «Конституция — нафақат бугунги куннинг қомуси, балки у эртанги кунимиз, кураётган жамиятимиз истиқболини аниқлаб берувчи ҳужжат, фарзандларимиз йўлини ёритиб тургучи маёқдир», дея таъкидлаган эди.

Олтириқ педагогика коллежиде бўлиб ўтган «Конституция — ҳуқуқ ва эркинликларимиз кафолати» мавзусида ташкил этилган тадбирда маърузачилар ёшларнинг Конституция ҳақидаги билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаш, уларда қонунларга ҳурмат ҳиссини камол топтириш муҳим вазифалардан эканлигига алоҳида ургу берилди.

— Мамлакатимизда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини кафолатлаш йўлида амалга оширилаётган изчил ишловлар самарасини таълим соҳасида эришилаётган улкан ютуқлар мисолида ҳам яққол кўриш мумкин, — дейди коллеж директори Ш.Салимова. — Коллежимизда 900 га яқин ўғил-қиз таълимнинг турли йўналишлари бўйича пухта билим ва кўникмага эга бўлмоқда. Коллеж ўқув дастурида биринчи босқич ўқувчилари учун 40 соатлик «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш» машғулоти белгиланган. Машғулотлар интер-фаол усулларда олиб борилди.

Тадбирда коллеж ўқувчилари Конституцияга оид билимлари ва унда ифодаланган гоғларини турли кўргазмалар воситалар, сахна кўринишлари орқали намойиш этишди.

Шундай тадбирлар вилоятнинг Тошлоқ, Қўштепа, Ёзёнов, Риштон туманларида ҳам ташкил этилди. Уларда маҳалла фаоллари, талаба ва ёшлар Конституциянинг инсон ҳаёти, ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатининг нодир намунаси эканлигини эътироф этишди. Савол-жавоб, очик мулоқот тарзида кечган тадбирлар иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Ўз мухбиримиз

Бахтимиз Қомуси

Навий вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида «Конституция — бахтимиз қомуси» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Унда бирлашма аппарати ходимлари, масъул ташкилотчилар, туман, шаҳар кенгаши раислари ҳамда бошланғич касабакўм етакчилари қатнашди.

Сўзга чиққанлар Конституцияда инсон ҳаёти, шаъни, қадр-қиммати, ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатлари олий қадрият сифатида мустаҳкамлаб қўйилганлигини таъкидлаб ўтишди.

Шундан сўнг «Ватан фидойи фарзандларни унутмайди» шиори остида мустақиллик йилларида хизмат вазифасини бажариш вақтида ҳалок бўлган кичик сержант Зокир Қаҳоровнинг оиласига Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг моддий ёрдами топширилди.

Дилафрўз ҲУРОЗОВА,
«Ishonch» мухбири

Сайлов — 2016

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови пойтахтимизнинг Миробод туманидаги 197-сайлов участкасида ҳам шаффоф, ҳаққоний ҳамда демократик тамойилларга мос тарзда ўтди.

Бу ерда 2864 нафар ёки рўйхатга олинган сайловчиларнинг 97,6 фоизи конституциявий ҳуқуқидан фойдаланган бўлса, 46 нафар 18 ёшдаги йигит ва қизлар илк марта овоз берди.

— Тошкент Политехника коллежи ўқувчиси Фазлиддин Халимжоновман, — дея ўзини таништирди сайловчилардан бири. — Илк бор мамлакатимиз тараққиётини белгилаб берувчи сайловда иштирок этиб, ўзим муносиб деб билган номзодга овоз бердим. Менинг овозим юртимизнинг янада гуллаб-яшнаши, халқимизнинг

Холис ва кўтаринки руҳда

турмуши бундан-да фаровон бўлишида муҳим аҳамиятга эга, деб ўйлайман.

— Ушбу сиёсий жараён ҳаққоний ва мукамал тарзда ўтди, — дейди 79 ёшли Абдулла бобо Тўрабоев. — Биз сайлаган янги Президент давлатимизни янги марралар сари олиб чиқишига ишонамиз.


Сайлов давомида 197-сайлов участкаси тасарруфидаги 30 дан ортиқ ётоқ шариоатида бўлган қария ҳамда ногиронларнинг уйларига бориб, уларнинг сайловда ўзлари муносиб деб билган номзодга овоз

беришлари таъминланди.

Ушбу сайлов мамлакатимизнинг бундан кейинги истиқболига замин яратиши, келажагимизнинг бундан-да фаровон бўлишига ҳисса қўшиши шубҳасиз.

Давронбек ОРИПОВ,
«Ishonch» мухбири

Ислоҳот



«Baxt-textile»да — экспортбоп маҳсулотлар

Навий шаҳрида пахта толасидан ип-калава ишлаб чиқаришга ихтисослашган, «Baxt-textile» Ўзбекистон-Россия-Лихтенштейн қўшма корхонасида амалга оширилаётган йирик модернизация жараёни самарадорликка хизмат қилмоқда.

Қўшма корхона йилига 9 минг тонна сифатли ип-калава йиғириш қувватига эга бўлиб, жорий йилда тижорат банкидан олинган 7,5 миллион АҚШ долларлик кредит маблағлари эвазига Швейцариянинг «RIETER» ҳамда бошқа қатор компанияларнинг замонавий автоматлаштирилган дастгоҳлари ўрнатилди. Бунинг натижасида иш унумдорлиги икки баробарга ортди.

— Мамлакатимизда энгил sanoat ривожини учун барча имкониятлар яратилган, — дейди қўшма корхона директори Фурқат Турсунов. — Жумладан, бугунги кунда сифатли ва олий навли пахта хомашёсини қисқа муддатда ва шартнома шартларига асосан харид қилиш қулайликлари кенгайди.

ISO:9001 сертификатига эга фабрика маҳсулотлари Туркия, Польша, Хитой ва Россия каби sanoati ривожланган давлатларга экспорт қилин-

моқда. Бошқача айтганда, маҳсулотнинг 90-95 фоизи хорижлик харидорларга етказиб берилаётир.

Фабрика маҳсулотларининг харидорлигига дастгоҳларгагина эмас, ишчи-ҳодимларнинг малакасига ҳам боғлиқ, албатта. Шунинг учун, корхонада мутахассислар малакасини ошириш, касб-хунар коллежи битирувчиларини «Устоз-шогирд» аънасини асосида тарбиялашга алоҳида масъулият билан ёндашилмоқда.

Қўшма корхонада меҳнат қилаётган 280 дан зиёд ходимнинг асосий қисмини коллеж битирувчилари ташкил этади. Жорий йилда вилоятдаги касб-хунар коллежини тамомлаган ёшларнинг 50 нафари меҳнат шартномаси асосида ишга қабул қилинди.

— Коллежни тамомлаб, корхонада иш бошлаганимга икки ой бўлди, — дейди Кармана sanoat ва ихтисодиёт коллежи битирувчиси Зулайхо Нажимова. — Бу ерда ишчи-ҳодимлар учун яратилган шарт-шароитларга бошқа ташкилот ва муассасалар ишчи-хизматчиларининг ҳам ҳаваси келади. Уч маҳал иссиқ овқат ҳамда келиб-кейтиш учун махсус автобуслар ташкил этилган.

Ўз мухбиримиз

Семинар

Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда «Меҳнат муҳофазаси ва sanoat хавфсизлиги» мавзусида семинар ўтказилди. Унда тармоқ касаба уюшма фаоллари, иш берувчилар, корхона техника хавфсизлиги муҳандислари, ОАВ вакиллари қатнашди.

Бош мавзу — ходимлар манфаати

Семинарни бирлашма кенгаши раисининг ўринбосари Муротбой Данияров олиб борди.

Тадбирда мамлакатимизда янги таҳрирдаги «Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги» Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва унинг аҳамияти, мазмун-моҳияти юзасидан апрофлича тушунчалар берилди.

— Ишчиларга қулай ва муносиб меҳнат шариотини яратиш, меҳнатни муҳофазаси қилиш ва жамоатчилик назоратини кучайтиришда ушбу қонун барчамизга дастуриламал бўлади, — деди бирлашма бўлим мудири Бекполат Утепбергенов. — Меҳнат аҳлини ижтимоий ҳимоя қилиш, касб касалликлари ва ишлаб чиқаришда рўй бериши мумкин бўлган бахтсиз ҳодисалар олдини олишга алоҳида эътибор қаратилаётган.

Шунингдек, Қорақалпоғистон давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бўлим мудири Дана Умарованинг «Иш берувчилар томонидан ходимлар фаолияти давомида тиббий кўриқдан ўтказиш тартиби», Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги қoшидаги бюджетдан ташқари пенсия жағмармаси ҳудудий бошқармаси бўлим мудири Тимур Сотиболдиевнинг «Фуқароларга имтиёзли нафақа тайинлаш жараёни», Қорақалпоғистон Бош шафкорлик тиббий экспертиза комиссияси раиси ўринбосари Гулистон Халмуратованинг «Касб касалликларини аниқлаш ва ҳисобга олиш тартиби» ҳамда «Sanoat-geotekhnazorat» давлат инспекциясининг Қорақалпоғистон инспекцияси инспектори Шамурат Қанповнинг «Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг sanoat хавфсизлиги» мавзуларидаги маърузалари тингиланди.

Иштирокчилар Хўжайли шаҳридаги «Elite stars textile» МЧЖда бўлиб, хавфсиз меҳнат шариоатини билан яқиндан танишди.

Ортиқбой МАМУТОВ,
«Ishonch» мухбири

Реклама ва эълонлар

«Surxondaryo universal milk savdo» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибиде ўтказилайдиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари сотувга қўйилмоқда:

1. Термиш шаҳар архитектура ва қурилиш бошқармаси ишлаб чиқариш бўлимига тегишли, «Нексия» донс русумли, 2008 йилда и/ч, 75/798 ОАА д/б таъмирталаб автомашина. Бошланғич баҳоси: 20 140 013 сўм.

2. К/К МЧЖ «Темирйул сугурта» сугурта компанияси Сурхондарё вилоят филиалига тегишли, «Лада» 21723-114-01 русумли, 2008 йилда и/ч, 75/920 GAA д/б таъмирталаб автомашина. Бошланғич баҳоси: 6 134 000 сўм.

3. Ангор тумани Ердамчи хизматчи МТП шўба корхонасига тегишли, «Нексия» GLE BO русумли, 2005 йил-

да и/ч, 19 А1 012 д/б таъмирталаб автомашина. Бошланғич баҳоси: 6 460 941 сўм.

Аукцион савдолари Термиш шаҳар, Ф.Хўжаев кўчаси, 32-ўйда жойлашган, Тадбиркорлар маркази бўлиб, 2-қават, 10-хонада 2017 йилнинг 6, 9 январ кунлари соат 10:00 дан бошлаб ўтказилади. Мазкур автотранспорт воситалари ушбу савдоларда сотилмай қолганда такрорий савдолар 2017 йил 24 январ кун соат 10:00 дан бошлаб ўтказилади.

Ким ошди савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар «Surxondaryo universal milk savdo» МЧЖ билан зақалат шартномасини расмийлаштириб, ЧЭКИ «Ҳамкор-банк» х/р: 20208000400426628001,

МФО:01001, ИНН: 303172243 га сотилаётган мол-мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда гаров пули тўлаган ҳолда ариза бериб рўйхатдан ўтишлари шарт. Аризаларни қабул қилиш савдо бошланшидан бир кун олдин тўхтатилади.

Шунингдек, Музработ тумани Ўсимликларни ҳимоя қилиш марказининг 24.11.2016 йилдаги № 654-сонли хатига асосан 5 дон тракторнинг аукцион савдоси тўхтатилганлиги маълум қилинади.

Мурожаат учун манзил: Термиш шаҳри, Тадбиркорлар маркази биноси, 2-қават, 10-хона. Тел/факс: (0-376) 223-45-50. Гувоҳнома: №637. Хизматлар лицензияланган.

«AUTO GARANT BUSINESS» МЧЖ ихтисослаштирилган корхонаси бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибиде ўтказилайдиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

2017 йил 4 январ кун бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

«Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ахборотлаштириш Бош Маркази» Давлат Унитар Корхонасининг 2016 йил 24 ноябр кундаги № 01-08/300-сонли буюртма-номаси ҳамда 2016 йил 30 ноябр кундаги № 01-08/304-сонли буюртма-номасига асосан «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ахборотлаштириш Бош Маркази» Давлат Унитар Корхонаси тасарруфида бўлган: 1.2000 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақами 01/592LEA бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 11 788 000 сўм. 2.2005 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақами 01/958LEA бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 12 543 000 сўм.

Аукцион савдоларига қўйилган автотранспорт воситалари сотилмаган тақдирда такрорий савдолар 2017 йил 11, 18, 25 январ кунлари соат 11:00 бўлиб ўтади. Аукцион савдолари Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй манзилида бўлиб ўтади.

Юқоридеги автотранспорт воситалари билан сотувчининг вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни ҳар кун (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланшига бир иш кун қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган зақалат пулини савдо ташкилотчиси — «Auto Garant Business» МЧЖнинг «ASIA ALLIANCE BANK» ОАТБ Мирзо Улугбек тумани филиалида қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: х/р: 2020 8000 9048 8730 5001, МФО: 01103, СТИР: 301 829 604. Автотранспорт воситаси учун тўловлар амалга ошириш муддати олди-соти шартномасида белгиланади. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. www.agb.uz. Телефон: (371) 2336144, (95)146 61 44. Гувоҳнома: 004593.

Хизматлар лицензияланган.

Қадимий дўстлик ришталари мустақамланмоқда


(1).

Делегация аъзолари дастлаб пойтахтимизда Биринчи Президентимиз ташаббуси билан барпо этилган Хазрати Имом жомеъ масжиди билан таништи. Ўзбекистон мусулмонлари идораси халқаро алоқалар бўлими мудири М.Шокиров меҳмонларга мажмуанинг тарихи, мустақиллик йилларида бу ерда амалга оширилган кенг кўламли тиклаш, бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, мажмуада жойлашган тарихий обидалар ҳақида маълумот берди.

Шундан сўнг меҳмонлар халқимизнинг муқаддас ислом динига оид бой маънавий-маданий меросини асраб-авайлаш, диёримиздан етиштиб чиққан буюк алломаларнинг асарларини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш, шу соҳада илмий-назарий тадқиқотлар олиб бориш, замон талаблари даражасида малакали мутахассислар тайёрлаш, уларга зарур шартлар яратиш, шунингдек, аждрларимиздан қолган ноёб манбалар асосида тадқиқ этилган маълумотларни халқимизга етказишга хизмат қилаётган Тошкент ислом университетига бўлди.

Тошкент ислом университети тарих кафедраси мудири С.Аъзамжӯев университет фаолияти, шу атрофда жойлашган Юнусхон мажмуаси, Қалдирғоч бий ва унинг устози Шайхонтоҳур макбаралари тарихи тўғрисида гапириб берди.

— Ўзбек ва қозоқ халқлари ҳамisha бир-бирига елкадош бўлган, суянаган, — дейди Қозогистон делегацияси вакили, иқтисод фанлари доктори Б.Сериков. — Вақт синовида ўтган ушбу дўстлик ришталари мустақиллик йилларида янада мустақамланмоқда. Ўзбекистонга ташрифимиз мамлакат тараққиётида муҳим аҳамиятга эга бўлган сиёсий тадбир — Президент сайлови кунига тўғри келгани учун делегациямиз Тошкентдаги 307-514-687-сайлов участкаларида овоз бериш жараёнини кузатиш имкониятига эга бўлди. Шунга амин бўлдикки, сайловга тайёргарлик жараёни билан боллик барча масалалар коллегиялик асосида йўлга қўйилган. Сайлов участкалари жойлашган бинолар атрофини ободонлаштириш, сайловчилар рўйхатини шакллантириш ва бошқа ташкилий масалаларда маҳалла фуқаролар йиғинлари яқиндан кўмаклашгани бизда катта таассурот қолдирди. Ҳар бир сайлов участкасида имконияти чекланган фуқароларга ҳам барча қулайлик яратилган. Саломатлиги ёки бошқа сабабларга кўра овоз бериш куни участкага келолмайдиган сайловчилар учун кўча кутидан фойдаланиш им-



конияти яратилгани таҳсинга сазовор.

Делегация аъзолари XIV асрнинг 80-йилларида Амир Темур ташаббуси билан бунёд этилган, кейинчалик Мирзо Улугбек томонидан қурилиши якунига етказилган Зангиота мажмуасини зиёрат қилди. Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари И.Иномов мажмуа тарихи, мустақиллик йилларида Биринчи Президентимиз раҳнамолигида бу ерда амалга оширилган кенг кўламли бунёдкорлик — ободонлаштириш ишлари тўғрисида маълумот берди.

Мехмонлар Зангиота туманида худудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш, одамларга муносиб турмуш шартини яратиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар билан таништирилди. Улар Ўзбекистонда замонавий таълим ва тиббиёт муассасалари, мухташам турар жойлар, спорт иншоотлари барпо этиш билан бирга, одамлар кўнгилли дам оладиган маданият ва аҳоли дам олиш марказлари қурилишига ҳам алоҳида эътибор қаратилаётганини қайд этди.

Делегация аъзолари тумандаги «Обод турмуш» маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб, худудда амалга оширилган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари, жумладан, қишлоқ аҳоли учун намунавий лойиҳалар асосида қад ростлаган замонавий уй-жойлар билан таништи.

Уч мингга яқин аҳоли истиқомат қилаётган мазкур маҳаллада намунавий лойиҳалар асосида 180 та уй-жой барпо этилган. Янги уйлар табиий газ, ичимлик суви билан таъминланган, алоҳида канализация кудуги ҳамда иситиш

тизимига эга. Кўчалар кенг, йўл четларига мевали ва манзарали дарахтар экилган. Мехмонлар маҳалладаги отлар чойхонаси — гузар, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари, болалар спорт майдончалари ва стадион фаолиятига юксак баҳо берди.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси ўринбосари Д.Мирзажонов, «Обод турмуш» маҳалла фуқаролар йиғини раиси И.Юнусматов ва маҳалла фаоллари қозогистонлик меҳмонларнинг маҳалла институти фаолияти ҳақидаги саволларига атрафлича жавоб қайтарди.

Мустақиллик йилларида Биринчи Президентимиз раҳнамолигида маҳалла институти фаолиятини такомиллаштириш, унинг жамият ҳаётидаги иштироки, вазифа ва вазифалари доирасини янада кенгайтириш борасида амалга оширилган ишлар ислохотлар, маҳалла, маҳалла раиси ва унинг вазифалари ҳақидаги маълумотлар меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

— Ўзбек халқининг «Бир болага етти маҳалла ота-она», «Отанг — маҳалла, онанг — маҳалла» деган гаплари мазмунини бугун янада теран англадим, — дейди Жанубий Қозогистон вилояти Қазғурт туманидаги ўзбек-қозоқ умумтаълим мактаби директори ўринбосари Б.Собитов. — Бу ерда одамлар яшши кунда ҳам, ташвишли дамларида ҳам маҳалладошларига суянаган экан. Бир оилада хурсандчилик бўлса, бутун маҳалла баҳам кўради. Бир кишининг ташвиши бутун маҳалланинг ташвишига айланади. Маҳалла оқсоқоли ёки кексаларга барча бундай кулоқ солиши, баъзиларда иш тутиш, одамларнинг бир-бирига эътиборли бўлиши, ҳамжўрлик кўрсатиши — бундай олижаноб фази-

латлар бошқа ҳеч қаерда учрамайди. Осойишталик ва тараққиётни таъминлайдиган бундай турмуш тарзи — маҳалла тушунчаси фақат ўзбек халқига хос юксак қадрият.

Учрашувда Биринчи Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» тамойили асосида амалга оширилган ишлар ислохотлар жараёнида маҳалла институтининг давлат ва жамият ҳаётидаги ролини оширишга қаратилган алоҳида эътибор юксак самаралар бераётгани таъкидланди. Давлат бошқаруви органларининг қўллаб-қувватлаш ва вазифалари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига берилгани, натижада худудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, оилавий тадбиркорлик, касаначилик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, маънавий муҳит барқарорлигига эришиш, хотин-қизлар ва ёшлар манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳоли бандлигини таъминлаш сингари ўнлаб вазифалар айнан мазкур институтда амалга оширилаётгани ҳаётий мисолларда кўрсатиб берилди. Айниқса, маҳалла посбони ҳамда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчининг вазифалари, «маҳалла» таълим муассасаси — оила» ҳамкорлиги фаолияти меҳмонларда катта қизиқиш уйғотди. Бугунги глобализация даврида ёшларни ёт ғоялар ва турли илатлардан асраш, навқирон авлодни ватанларидан, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашда ўзини ўзи бошқаришининг ноёб усули — маҳалла институтининг ўрни ва аҳамияти беқиёс.

Мамлакатларимиз маданият ва санъат соҳасида фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ўзбекистон халқ усталари Олмаота шахрида ўтказилаётган Марказий Осиё хунармандлари кўргазма-ресторасида мунтазам иштирок этади. Ортона, Олмаота ва бошқа шаҳарлардаги бадий галерея ва музейларда машҳур ўзбек мусавирларининг кўргазмалари намойиш қилинади. Ўзбекистон мусиқа ва театр жамоаларининг Қозогистонга гастроллари мунтазам йўлга қўйилган. Қозогистонлик санъаткорлар Самарқандда ўтказилаётган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали ва бошқа кўллаб йирик маданий тадбирларнинг фаол қатнашчиларидир. Пойтахтимиздаги «Камолот» ёшлар ижод саройида ташкил этилган миллатлараро дўстликни тарғиб этувчи расмлар кўргазмаси ва концерт дастурида бу алоҳида таъкидланди.


Қозогистон Республикаси делегациясининг таърифи самимий дўстлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатлари ривожидида яна бир муҳим воқеа бўлди.

Икром АВВАЛБОВ,
ЎЗА МУХБИРИ
ЎЗА ФОТОМУХБИРИ
Оқил ҲУЛОМОВ олган суратлар.



Куввати чексиз батарея

Бристол университети мутахассислари минглаб йиллар давомида у қадар кучли бўлмаган қурилмаларни қувват билан таъминлай оладиган ядровий аккумулятор прототиپини ишлаб чиқиди. Радиациялар ва зарарли моддалар зиёни нолга тенг. Бу ҳақда университет сайтига таяниб, hi-tech.mail.ru маълум қилди.



Ядровий аккумулятор ичига сунъий олмос ўрнатилган. У радиоактив майдонга жойлаштирилганда, у қадар кучли бўлмаган электр токни ишлаб чиқаради.

Олимлар радиоактив нурланиш манбаи сифатида никел-63дан фойдаланишди. Бирок уни графит блокларда ҳосил қилинган углерод-14га алмаштирилса, изотоп қурилма фаолияти самарадорлигини оширишга ёрдам беради. Углерод-14даги батарея 5730 йилда заряднинг ярмини йўқотади.

Ядровий аккумуляторларда ҳаракатланувчи қисмлар йўқ, уларга ишлаш жараёнида хизмат кўрсатиш шарт эмас. Батареялар радиоактив зарарли моддаларни ишлаб чиқармайди ва атмосферага салбий таъсир кўрсатмайди. Радиоактив изотоплар сунъий олмослар ичида капсулланади. Шунинг ҳисобига тоза энергиянинг узок мuddати генерацияси таъминланади.

Ядровий аккумуляторларни кардиостимулятор ва шу каби инсон танасига ўрнатиладиган бошқа қурилмаларда қўллаш кўзда тутилмоқда. Шунингдек, уларни ўқувчи қурилмалар, космик кемалар ва етиш қийин бўлган жойлардаги бошқа жиҳозларда қўллаш мумкин.

Роботлар саммити

2020 йилда Японияда биринчи Бутунжаҳон роботлар саммити бўлиб ўтади. Айти ва Фукусима префектуралари ушбу анжуманга мезбонлик қилиши ҳақида Япония иқтисодиёт вазири Хиросигэ Сако Life журнаliga маълум қилган.

«Бутунжаҳон роботлар саммити» ҳақон мамлакатларидан келтирилган роботларнинг турли йўналишлар бўйича муносабатини англатади. Умуман, инсоният кўмакчилари ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, табиий офатларга қарши кураш инфратузилмалари борасида куч синашади.

— Биз роботларнинг келажак жамиятида қандай ҳаракат қилиши ва бундан турмуш нақадар ўзгаришини кўриш ниятидамыз, — деди Хиросигэ Сако. Анжуманинг асосий дастури Айти префектурасида бўлиб ўтади, табиий офатларга қарши кураш ва оқибатларини бартараф этиш бўйича анжуман Фукусима префектураси Минами-сима шаҳрида ташкил этилади.

Мазкур саммитга университетлар, илмий институт ва корхоналар таклиф этилади. Улар ишлаб чиққан роботлар нафақат махсулот ишлаб чиқаришдаги имкониятларини, балки уйдаги жиҳозларни жойлаштириш, махсулотларни пештахталарга жойлаш ва бошқа фаолият турларини намойиш эта олишлари керак.

Халокатлар бўйича тайёрланган роботлар нефтни қайта ишлаш заводига рўй берувчи фланкатдан сўнг жабранганларни қидириб, кутқариш ҳамда тоннелда юз берган ИТХ оқибатларини бартараф этиш борасида куч синашади.

Антиқа билакузук

Украинанинг Planexa жамоаси инсон руҳий ҳолатини унинг кардиограммаси ёрдамида аниқловчи билакузук — Sense'ни яратиди ва бу лойиҳани 638 сармоячи қўллаб-қувватлади, дег хабар бермоқда lenta.ru.



Ҳозир қурилма ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш борасида Хитой фабрикалари билан музокара олиб боришмоқда.

— Биз қўлдан олинган кардиограммадан R-чўққиларни ўқиб технологиясини ривожлантириб, бир қатор тажрибалар ўтказдик. Бундай маълумотлар юрак ритми ўзгаришини тахлил қилишда қўл келади. Бу усул тиббиётда юрак-қон томирлари касалликлари хатари, одамнинг руҳий-ҳиссий ҳолатини баҳолаш ва касалликларни прогноз қилишнинг оммабоп усулидир, — дейди компания асосчиси Евгений Найштейн.

Унинг айтишича, юрак қисқаришлари орасидаги интерваллар вегетатив асаб тизими ишини баҳолаш ва математик усуллардан фойдаланиб одамнинг умумий ҳолатини тахлил қилишга ёрдам беради.

Қурилма иxtирочилари Sense'ни дунёдаги энг аниқ фитнес-трекер деб атамоқдалар. Чунки у фойдаланувчи қувонаётгани ёки хафа бўлаётгани, зўриқаётгани ёки ўзини осойишта тутатгани, тўйиб ухлагани ёки ухлай олмаганини кўрсата олади.

Интернет материаллари асосида А.ОРСЛОНОВ тайёрлади.

Қашқадарь вилояти қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши жамоаси Агросоаноат мажмуи ходимлари қасаба уюшмаси Республика кенгашининг Қашқадарь вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Илҳом Сабдаровга акаси

Зикр КАРИМОВнинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Агросоаноат мажмуи ходимлари қасаба уюшмаси Оқдарь туман кенгаши жамоаси шу ташкилот раиси Мамарасул Қурбоновга акаси

Хужикул ҚУРБОНОВнинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Ташкилот раиси: 2021 0000 0004 3052 7001, АТМБ «Илҳом» банк Яншиб қилгани, банк коди: 00959, СТНР: 201133008, ОКННХ: 07100

Ош пишгунча...

Яхшиям, муҳаббат бор

Шанба кuni эди.

Тушлик тарадудиди дераза ёнида бирпас ўйланиб туриб қолдим. Нима овқат қилсамкин? Болаларча сўраб қўрайми? Э, улар нима дерди. Картошкани ёгда қизартириб беришим керак экан. Ўзи шундоғам ҳафта ичида қилган енгил-елпи овқатларимдан совуқликларни олиб кетган-дир. Ҳеч бўлмаса дам олиш кулларида дуруст-роқ таом пишириб берай. Дурустроғи нима? Палов-да! Болаларгайм маъкул келадими...

Сабзи олиб арчаётсам, пастда гўнғир-гўнғир товуш эшитилди. Иккинчи қаваатга довр этиб келдим, демек, қандайдир муҳим гап... Дераза оша пастга қардим. Ховлига чиқарилганда ўриндиқда бир қиз билан йигит ўтиришарди. Бир-бирига мос, ноппа-новозиндай иқновиман. «Ошиқлар, шекилли», дея ўйладим. Ишимни давом эттираввердим. Сабзини тўғрайман-у, хаёлим пастда. Қаердан келишганикин? Шу атрофдаги «дом»лардан бирида яшаса керак-да! Кўпдан бир-бирини билширмайкин? Ё яқинда танишишганикин?... Қозонни оловга қўйиб, ховли томонга бирров кўз югуртирдим. Вой, ўлмасам?! Йигит ўриндиқнинг нариги четиди, қиз бу четиди. Орада икки киши сизгадиган ошқ жой. Қиз сумкаси боғичини ўйнаб, четга тикилиб ўтирибди. Хаёлимдан ўтди: «Бу нимаси? Уришиб қолганим, шекилли...» Йигит-қиз орасида тўйга-ча не-не гаплар бўлмайдик, дейсиз? Гоҳ ахлу паймонлар бузилиб, гоҳ яна сулҳ тузилиб... Хуллас, у-бу гап ўтади-да! Гоҳ рашдан, гоҳ бир-бири ҳақидаги миш-мишдан... Булар ҳам шундай бир хиллати боддан кечиришлппти-ёв, чамамда.

Қизинг ёнга пиёз солиб қизартирдим. Сўнг гўшт ташладим. Қозон қолқонини ёпиб, дераза оша эгилдим. Йигит ниманидир куйиб-пишиб тушунтирар, қиз эса унга энгаси қотиброк қараб турарди. Узимча қизни қойиб қўярдим. «Ҳеч бўлмаса ерга қараб ўтирсан-чи! Йигитнинг хурмати-да... Худди калака қилган-

дек юзига тикилиб ўтиргани нимаси? Уялиш йўқ...»

Қозонга тўғралган сабзини солдим-да, оловни баландлатиб қовура бошладим. Капирини четга қўйиб, яна ховлига мўраладим. Энди қиз ҳам ниманидир гапирар, орасида дастурмоли билан кўзларини артиб қўяр (йиғлаяпти, шекилли), йигит эса чўнтагидан сизарет олиб, чекмасдан асабий гўжмлаб ўтирарди! «Вой-вуй, бўёғи жиддийлашиб кетди-ку. Ота-оналари норозимикан тўйларига? Ёки қиз йигитнинг илгари ким биландир «юрганини» эшитиб қолиб...» Ҳар ҳолда шуниси ҳақиқатга қўйиб, ўзимча йигитни оқлай бошладим. Нима қипти, кўнглига ёқадиганини топгунча уч-тўрт қизга гап ташлайди-да йигит деган... Вой, қозоним нима бўлди?! Қизарган зирвак устидан сув кўйдим. Туз ташлаб, оловни пасайтирдим.

Хўш, пастда нима гап? Йигит қўлидаги сизаретни чўнтагига қайтариб солди. Қиз дастурмолини тўртбунча қилиб тахлади-да, сумкасини очди. Шу баҳона кичкина ойнакчага бирров қараб олишиман унутмади. Сочларини киши билмас тузатди. Сумкасини ёнига қўйиб, йигитга нимадир деди. Йигит ҳокисор жилмайди.

«Қизларимиз жуда мағрур бўлиб кетишган-да, — дея ўйла бошладим. — Унга-мунча гапга ён бермайди. Балки шунисиям тузукдир, салга лаққа тушиб юргандан кўра...»

Менинг зирвагим ҳам асалдайгина бўлибди! Энди гуручини солиш керак. Гуручларим рақсга тушиб бир текис қайнаётганда, яна дераза ёнига бориб олдим. Э-ха, мана бу бошқа гап! Йигит ва қиз энди ёнга-ён ўтиришар, бири сузласа, бири бош силкиб маъқуларди. Бир пайт қиз бошини орқага ташлаб кулиб юборди. Йигит ҳам кулди. Орада сочларини қўллари билан тароқлаб, тузатиб қўйди. Мен энди (негадир) хотиржам бўлиб, сувини тортан гуручини ағдарши билан банд эдим. Сўнг ўтиривлиб аччиқ-чучук тайёрлаб, бир четга олиб қўйдим. Ха-я, халиги йигит-қиз... Кетиб қолшмадимкин? Йўқ, кетишмабди. Тил топшишди, шекилли... Сөвганинг кудрати-да, бу. Ҳар қандай майда-чуйда ўй-хаёллар, шубҳа-ғумонлар сөвганинг

олдидан ўтаверсин. Яхшиям, муҳаббат бор! Сөвги бўлмаганда кўнглилар бир-бирини ҳеч қачон тушунолмай ўтиб кетарди. Мен дастурхон ёзиб, қозонни ўтдан олдим. Пахта гулли лаганни артиб, ярқартирдим. Шунда қизнинг жанрангдор кулгиси қулоғимга чалинди. Юзимга табассум ёйилди. Пастдаги ўриндик бўшлигини кўриб ажабландим. «Қани улар?» Сал нарида йигит ва қиз қўл ушлашиб кетишарди. Юришлари бир-бирига монанд...

Ошиқларнинг кейинги ҳолатини ўзимча тасаввур қила бошлайман. Йигит уйига кириб боради. «Келдингми, болам?» дейди жонсарақ она ўғлининг юзига синчков тикилиб (Ахир эрталаб арандиси тумшуги осилиб чиқиб кетганди). «Яхши ўтирибсизми, ойжон?» дейди йигит кулиб. Онанинг кўнгли жойига тушади. «Келиноним қани?» дейди йигит. Ошхонада картошка арчаётган қув келиноийи сезадик, иш пишган...

Худди шу пайтда қиз сирдош дўгонаси билан бугунги воқеани ипидан итгасигача гапириб, чуқур тахлил этаётгандир... Ё бўлмаса у ҳам қизариб-бўзариб янғаси қулоғига шивирлаётгандир. Нима бўлганда ҳам бир яхшилик юз очиб турибди. Эртага эрталабданок қиз ва йигитнинг уйдагилар ўзгача тарадуд бошладилар. Тоғора кўтарган уч-тўрт аёл қизини қидириб боради. Қўюқона омонлашув. Дастурхон устида «олинг-олинг...» Сўнг мақсадга қўншади аёллар.

— Сизникида бир гул бор экан, бизникида бир булбул бор. Иккови бир-бирига интизор. Йўларини очайлик, дийдорлашувига бош қўшайлик!

Қизнинг онаси дастурхон попугини ўйнайди (Дарров рози бўлмоқ уят!). Суҳбат алламаҳалгача давом этади. Сўнг илгаригидан ҳам қуёроқ хайрлашади. Чехралар очик, кўзларда қўл. Шу ҳақда ўйлаб, негадир, қўнглим ёришди.

Уй томонга қараб, баланд овозда дейман: — Қани, келинлар, болалар, ош тайёр!

Гулчеҳра
ЖАМИЛОВА

MUASSIS:



2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligi bilan 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Bosh muharrir:

Jahongir Sharofboyev

Tahrir hay'ati:

Abdulaziz Abdullayev, To'iqin Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamajonov (bosh muharrir o'rinbosari), Akmal Toshev

BO'LIMLAR:

Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43
Reklama va o'lonlar — 256-87-73

Manzillimiz:

100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonchdan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflik hokimiyati nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

HUDDULARDAGI MUXBIRLAR:

Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-91) 268-92-32
Andijon — (+998-91) 475-23-60
Buxoro — (+998-93) 653-50-81
Jizzax — (+998-91) 943-67-44
Namangan — (+998-90) 260-50-77
Navoiy — (+998-93) 314-13-03
Samarqand — (+998-97) 915-50-87
Sirdaryo — (+998-90) 610-95-55
Surxondaryo — (+998-91) 233-69-07
Farg'ona — (+998-91) 141-27-70
Xorazm — (+998-90) 719-48-00
Qashqadaryo — (+998-91) 467-30-01

Navbatchi muharrir:

A Abdullayev
Navbatchi:
J Ergashev
Musahhirlar:
S.Shodiyeva
Sahifalovchi:
H Abdullayev

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvida chop etildi.

Korxonasi manzili:
Buyuk Taron ko'chasi, 41-uy.
Gazeta «Ishonchning kufiyot markazida teriladi va sahifalovchi»
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma tabaq. Buyurtma G — 1215. 13560 nusxada bosildi. Nashr ko'rsatkichi: 133

Boshiga topshirish vaqti — 01:50
Topshirish — 02:20

1 2 3 5 6